

Қадри дўстлар!
Сизларни давлатга 230 минг тоннадан зиёд сара дон етказиб бериб, мамлакатимизда биринчи бўлиб галла тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли бажарганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу галабани қўлга киритишда Сурхон воҳаси миришкорларининг бой деҳқончилик тажрибаси, ризқ-рўзимиз манбаи - ерга, меҳнатга янгича муносабати, ғайрат-шижоати, доимо янгиликка интилиш каби олижаноб фазилатлари асосий омил бўлгани шубҳасиз.

Сизларнинг об-ҳаво нуқулай келган бу йилги шароитда кетма-кет ёққан ёмғир, айниқса жала ва дўл сингари табиат инжиқчилигини енгиб, бошқоқли дон экинларини юксак агротехника талаблари асосида парвариш қилганингиз, ўрм-йғимини уюшқоқлик билан ўтказиб, ҳар гектар ердан 43 центнердан ҳосил кўтарганингиз бу ҳақиқатни яққол исботлаб турибди.

Келажакка катта умид ва ишонч билан қараб астойдил меҳнат қилаётган сиз, мард ва ориятли, ўз сўзида қатъий турадиган Сурхондарё аҳли бошқа соҳаларда ҳам белгиланган марраларни эгаллашингизга барчамиз ишонамиз.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, омилкор деҳқон ва фермерларни, ширкат хўжаликлари аъзоларини, механизатор ва мутахассисларни, бир сўз билан айтганда, шу улкан хирмонга ўз хиссасини қўшган барча инсонларни бугунги меҳнат зафарни билан яна бир бор қўтлайман.

Сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, эл-юртимизга фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда янги-янги ютуқлар, хонадонларингизга эса тинчлик, файзу барак тилайман.

Доимо ишингиз бароридан келсин, бахту омадингизни берсин, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 1 июл, сешанба № 100 (1525)

**СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 июн кўни Оқсаройда Франция мудофаа вазири Мишел Аллио-Марини қабул қилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар муттасил ривожланиб бораётганидан мамнунлигини изҳор этди.

Марказий Осиёда ўз мифлатларига эга бўлган Франция билан алоқаларимизни юксак қадрлаймиз, деди Ислом Каримов.

Франция томони ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. У мамлакатимизга Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни сақлашдаги ўта муҳим давлат сифатида қарайди.

НАТО аъзоси бўлган Франция Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг фаол иштирокчисидир. Шимолий альянснинг ўтган йили Прагада бўлиб ўтган саммитида ташкилотнинг мустақим мамлакатларига эътиборини кучайтириш келишиб олинган эди. Франция мудофаа вазирининг ташрифидан қўзланган мақсад икки томонлама ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳамда НАТО билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар юзасидан фикр алашишидир.

Учрашувда мазкур масалалардан ташқари, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги тикланиш ишлари борасида ҳам сўз борди.

(ЎЗА)



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов (сўнг) ва Франция мудофаа вазири Мишел Аллио-Марини (оғир) Оқсаройда қабул қилинганда.

«МИНИТЕХ-2003» - ҚАШҚАДАРЁДА

Вилоят мусикали драма театри биносида «Минитех-2003» кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Узэкспомарказ» ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган кўргазмада хорижий фирма ва компаниялар, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг энг замонавий асбоб-ускуна ва технологиялари намойиш этилди.

Кўргазмага келган ишбилармонлар юртимизда хорижий компаниялар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Агрохим», «ПГС», «Стан Уз», «Селена-Контур» қўшма корхоналарнинг, Исроилийнинг «Раск Лине», Россиянинг «Интеракс» фирмалари маҳсулотлари билан танишди.

КАТТА ХИРМОН БАРАКАСИ

сурхондарёлик галлакорлар мамлакатимизда биринчи бўлиб шартнома режасини адо этдилар

Сурхондарё вилоти галлакорлари бу йил 96 минг гектар суғил, 6 минг гектар ламли майдонларда деҳқончилик қилдилар. Ишни тўғри ташкил этиш, агротехника қоидаларига тўла риоя қилиниши, қолаверса, манфаатдорликнинг сўзда эмас, амалда ўз ифодасини топиши муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилди. Галла майдонларида мўл ҳосил етиштирилди.

Дастурхонимиз файзи, элимиз ризқ-рўзи бўлган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бел боғлаган сурхонлик тантини миришкорлар ўз ваъдалари устидан чиқдилар. Давлатга 230 минг тоннадан зиёд сара дон топширилди. Вилоятнинг улкан хирмониغا Қизирик, Сарюсийё, Олтинсой, Термиз, Жарқўрғон, Ангор туманлари галлакорлари катта хисса қўшдилар.

Термиз тумани галлакорлари 4936 гектар ерга уруғлик учун дон сепишганди. Самарли меҳнат натижасида республикада биринчилардан бўлиб 650 тонна сара уруғлик йиғиштирилиб олинди. Бунда, айниқса тумандаги «Дўстлик», «Халқобод» ширкат хўжаликлари деҳқонлари барчага намуна бўлишди.

— Бу йил 20 гектар ерга галла экиб туманда биринчи бўлиб зафар маррасини эгалладик, — дейди қувонч билан Қизирик тумани Охунбобоев номли ширкат хўжалигидаги «Абди бобо» фермер хўжалиги раҳбари Иқром Норбутов. — Ҳосилдорлик 50 центнердан ошди. Етти нафар аъзоимизнинг ҳар бирига 1,5 тоннадан дон улашилди.

Денов тумани Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигидаги 533 гектар галлазор 56 нафар оилавий пудратчига бўлиб берилган. Улар ҳар гектар ердан 45,5 центнердан хирмон кўтариб, 2425 тонна «қирмизи дон» тайёрлашди. Режа ортиғи би-

лан адо этилди. Пудратчи Иқром Қорабоев, Акмал Ҳамроевлар 100 центнердан ошириб хирмон кўтаришди.

Хўжалик маъмурияти билан қасаба уюшма қўмитаси етиштирилган галлани ўз вақтида йиғиштириб олиш мақсадида тадбир ишлаб чиққан. Унга асосан мавсум иштирокчиларига ўч маҳал иссиқ овқат, қўмбайчиларга кунга сут ва сут маҳсулотлари бериб берилмоқда. Шунингдек, галлакорлар саломатлигини назорат қилиш учун тиббий ходимлар бекитилган.

Дарҳақиқат, вилоят галлакорларининг бундай ютуқларни қўлга киритишда қасаба уюшмалари ҳам муносиб улуш қўшдилар. Қасаба уюшма фаоллари олдиндан тузилган тадбир асосида қизгин иш олиб бордилар. Айниқса, мавсум давомида галлакорлар ва қўмбайчиларга қулай иш шароити яратиб бериш, меҳнатда ўрнат қўрсатқичлари рағбатлантиришга алоҳида аҳамият қаратилди.

— Илғор қўмбайчилардан бир неча ўн нафари бепул йўлланмалар билан тақдирланди. Улар мавсум аяқланган республика ва вилоят оромгоҳларида ҳордиқ чиқардилар, — дейди вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси Абдуқарим Аҳмедов. — Бундан ташқари, юқори кўрсаткичга эришган хўжалик аъзоларига ҳам қимматбаҳо эсдалик совғаларини мизни топширдик.

...Айни пайтда ҳосилдорлик гектар бошига 45 центнердан ошиб кетди. Лекин шунга қарамадан иш бир зум бўлса-да тўхтаб қолгани йўқ. Бугун беповон далаларда қайноқ меҳнат сурври давон этмоқда. Зеро, хали галла майдонларида ҳосил мўл. Миришкорларнинг мақсади эса эзгу: эл-юрт ризқи бўлиши «қирмизи дон» хирмонини янада юксалтиришдир.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга доир кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси бўлиб эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда пар учун солиқ соҳасида ҳам кўплаб имтиёзлар яратилди. Шу билан бирга, жойларда тадбиркорлар йўлиг тўғрисида бўлаётган баъзи сўбий тўсиқлар ҳамон ўқиниб...

Ислохот инсон учун
оширилди. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши қарори билан тасдиқланган режа жадалли матбуотда эълон қилиб берилди. Ундаги рўйхат асосида тадбиркор ўзининг корхонаси қачон текшири-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида банд бўлган юридик шахсларни солиққа тортиш тизимини янада соддалаштириш ва тартибга солиш, товар айланшини рағбатлантириш ҳамда бюджетга солиқлар тушуми тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 июлидан бошлаб улгуржи ва чакана савдо корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар), умумий овқатланиш корхоналари учун ялғи даромад солиғи жорий этилсин.

Мазкур корхоналарда назорат-қасса машиналаридан фойдаланиш ҳамда товарлар сотиш ва хизмат кўрсатишдан олинмаган нақд пул тушумини инкассация қилишда белгиланган қоидаларга риоя этилиши даромад солиғини тўлашга ўтишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

2. Белгилансинки, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари учун ялғи даромад солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан корхоналарнинг иқтисослашуви, жойлашуви ва бошқа ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган тарзда белгиланади.

3. Белгилансинки, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари учун ялғи даромад солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 майдаги ПФ-3076-сон Фармони билан 1 ва 2-бандлари ўз кўнини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой мўддатда:

а) амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришларни ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасига тақдим этсин;

б) идрорий норматив ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси бир ҳафта мўддатда ушбу Фармонни икром этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 30 июн

ТАДБИРКОРНИ ҚўЛЛАШ — ФАРОВОЎЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик етакчи ўрин тутадиган кўп укладли иқтисодиёт жадал шакланмоқда. Кичик бизнесни ривожлантириш рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, уларни рўйхатга олиш тартибининг сезиларли даражада соддалаштирилгани, энг муҳими, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг амалда жорий этилгани иқтисодиётимизда катта аҳамиятга эга бўлган хусусий тармоқни янада ривожлантириш ва мустақамлаш имконини берди.

Айни вақтда иқтисодиётни эркинлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлашдаги чеқлашларни бекор қилиш, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлат ва назорат идораларининг аралашувини камайтириш, тадбиркорлар томонидан юриштиладиган ҳисобовларни соддалаштириш борасида талай ишлар амалга оширилмаётган.

Кичик корхоналар учун барча умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ўрнига (баъзи бир йиллардан бундан мустасно) ягона солиқ жорий қилинди. Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар барча солиқлар ўрнига ягона ер солиғи тўлаётди. Натижада тадбиркор ортиқча ҳисоб-китоб ишларидан қутулди.

Корхоналарнинг турига қараб солиқ ставкалари миқдорини ҳам пасайтирилди. Бундан ташқари, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга 25 фоизлик қамайтирилган ставкалар ҳам қўзда тутилган. Улар томонидан топширилмаган ҳисобовлар соддалаштирилибгина қолмай, анча ичимлашди ҳам. Эндиликда улар фақатгина солиқ ва статистика идораларигагина ҳисобот беради. Бухгалтерлик баланси, молиявий наизжалари ва дебитор-кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотномалар ҳисоботини эса йилда фақат бир марта топширади.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари экспортдан келиб тушган валютани мажбурий сотишдан озод қилинди. Хўжалик юритувчи субъектларга ҳозирги кунда тижорат бан-

лариди ҳисоб рақамлари ва нақд пулда киритилган рақамларини истатган пайтда нақд пул шаклида олиш ҳуқуқи берилгани улар учун қулай имконият яратди.

Якка тартибда фаолият бритаётган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки аҳолига пулли хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар эса банкдаги ҳисоб рақамларидан бир чорак давлатда ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулот савдоси ёки хизмат тўлашга маблағи миқдоринда пул олишлари мумкин. Шунингдек, улардан даромадлари ҳисобини юриштиш талаб қилинмайдиган ҳамда уларнинг молиявий фаолиятига четдан қоч қим аралашмайд.

Буларнинг барчаси кишиларимиз фаол меҳнат қилиши, ўз қобилиятини яна ҳам кенгайтириб олиш, ўзини иқтисодиётнинг турли соҳаларида синая кўриши ҳамда турли қўниқчи манбалардан даромад олиши ва ўз меҳнати билан кўпроқ манфаатдорликка эришиши учун муҳим манбадир.

Тадбиркорлик фаолиятини эркинлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларга ҳам тўқталиб ўтганга.

Мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларнинг алоҳида тартиби мажбур. Унга кўра хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши қарорига биноан йилга кўни бидан бир марта амалга оширилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўла миқдорда тўлаб борадиган, бошқа тартиб ва қоидаларга риоя қилинган, аудиторларнинг ҳар йилги тегишли ҳисобов хулосасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан, қоида тартибасида, кўни билан икк йилда бир марта текширилади.

Бундан ташқари хўжалик юритувчи субъектларини уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш тегишли назорат (вентина қарши, санитария, ветеринария, энергетика) назорати ва ҳоким-органлари томонидан ҳар йили бир марта комплекс текширув давомида амалга

лишини олдиндан билиб олиши мумкин. Бу эса давлат, назорат қилувчи идоралар ва тадбиркорлар ўртасида ўзаро ишончинг барқарор бўлишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларда «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» юриштиляпти. Тадбиркор текширувчига ушбу китобни тақдим этилади. Агар текширувчи унга маълумот эътишдан бош тортса, бу таширининг ноқонуний эканини аниқлади. Бу усул ҳозирги кунда тадбиркорлар жонига оро кирапти.

Тадбиркорликнинг жадал ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам борми? Уларни қандай бартарф этиш мумкин?

Мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўларок, хусусий сектор бугунги кунда иқтисодиётимизда ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўляпти. Шу билан бирга, айрим жойларда Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «... ислохотлар тўлиқ эмас, чала-ярим ҳолда амалга оширилмаётган. Иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг мутаносили ва барқарор ривожланишини таъминлаш, пировардида аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган стратегик мақсадимиз сари қўяётган қадамларимизга бугун сустан қашлик, бошланган ислохотларнинг ўз мантқиқий аякунига етказилмаётгани салбий таъсир кўрсатмоқда».

Жойларда эскидан қолган турчилик, ўзбошимчилик, эўравонлик каби гов-тўсиқлар мавжудки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Айни шу иллатлар тадбиркорлик ривожини йўлида тўсиқ бўлиб қолаётган.

Аслида тадбиркорлик билан шуғуланмоқчи бўлаётган ишбилармон кишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб юборилса, унинг ривожланиши, фаолиятининг кенгайишидан хамият ҳам, фукаролар ҳам манфаатдор бўлади. Ривожланган давлатлар таърихисига назар ташланса, айни шу йўл билан хусусий тадбиркорликнинг гуллаб-яшнаб кетганини кузатиш мумкин.

(Давлати 3-бетда)

сани эсладик.

Иккинчи дарсдан сўнг ўқувчилар футбол ўйнашадиган эди. Ногоҳон тўп спорт майдончаси ёнида жойлашган трансформатор қурилмаси ичкарига тушди. Ҳуқуқи Нурилло Абдуллоев уни олиб чиқишга шошилди. Қурилма эшиги номигагина сим билан боғлаб қўйилган бўлиб, атрофи ҳам қўл учидан ўсиб қўйилган эди. Бола ўнч жойдан ўтиб тўпни олаётганида боши унга тегиб кетди. Унинг оғир жароҳатланганини

нат шарт-шароитлари экспертизаси бўлими бошлиғи Аҳмадjon Йўлдошев, - подстанциядан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этилмаган. Чўки мактаб раҳбарлари ва ўқувчилари меҳнат хавфсизлиги бўйича етарли тушулнчага эга эмаслар. Юқори ташкилотлар томонидан мактабларда бу йўналишда ўқувлар ташкил этилмаган.

Энг ажабланишли, на мактаб маъмурияти, на туман халқ таълими бўлими раҳбарлари трансформатор қайси ташкилотга тегишли эканини билишмайд.

«Норин тола» ҳиссасдорлик жамиятида ўз берган фojeа ҳам айни раҳбарлар лоқайдлиги билан боғлиқ. Одатдагидек бу ерда ҳам эрталаб соат 8 дан иш бошланди. Смена устаси узрли сабаб билан келмаганди. Созлов-

ЯРМАРКАДА СПОРТ КИЙИМЛАРИ

Анджондаги Марказий универсал савдо залларинда ташкил этилган ярмаркада турли-туман ва юқори сифатли спорт товарлари намойиш этилмоқда.

Ярмарканинг ўтказилиши спортни оммавийлаштириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирлардан биридир. Истеъмолчилар эътиборига республиканинг 21 та энгил санаят корхонаси маҳсулотлари тақдим этилган. Товарларнинг тури 550 тадан оша-

мияти (Наманган), «Улуғбек» АЖ (Қўқон), «Феруз-Хоразм» АЖ (Хоразм), «Санам» АЖ (Қашқадарё) каби ишлаб чиқарувчиларнинг павилонлари ҳам таширғ буюрғанларнинг диққатини тортмоқда.

Ярмарка спорт тўғарақлари, ўқув юртлари ва шу каби улгуржи хандорларга мўлжалланган. Айни пайтда илк шартномалар ҳам имзоланди.

Худди шу кўни 1-акционерлик қархонаси ишчилари меҳнат қилаётган «Оромгоҳ» касб-хунар коллежида ҳам кўнгилисизлик сў берди. Иш жабаинида А.Умаров тиркамадаги тахталар устидан орқаси билан юриб келаётган, эҳтиётсизлик қилди, натижада 2 метрга қкин баландлиқдан йиқилиб тушди. Шифокорлар йиғитнинг орқамияси ёниқ ҳолда шикастланганлигини айтишди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ
«Ишонч» мухбири

ЛОҚАЙДЛИК — ҚАЛЬ ФАЛАЖИ

кўрган ҳисмоний тарбия ўқитувчиси Ёқубжон Ҳусанов ёрдамга шошилди. У ҳам шундай фалокатга учрайди. Электр тоқидан қаттиқ шикастланди. Ҳуқуқи номигагина сим билан боғлаб қўйилган бўлиб, атрофи ҳам қўл учидан ўсиб қўйилган эди. Бола ўнч жойдан ўтиб тўпни олаётганида боши унга тегиб кетди. Унинг оғир жароҳатланганини

сани эсладик.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – ОЛИЙ ШАРАФ, ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ!

Кейинги йилларда Куролли Кучлар нуфузи, обрў-эътиборини ошириш, халқ ва армия ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш бора-сида кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудида жойлашган олий ҳарбий билим юртлирида Куролли Кучларимиз учун зарур бўлган барча мутахассисликдаги офицерларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Янги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ва алоқа соҳасидаги офицерлар етиштириладиган махсус факультет ташкил этилди.

ЙИГИТ МУДДАТЛИ ХИЗМАТТА ШАЙЛАНДИ

Марказий Осиёда биринчи Куролли Кучлар Академияси тузилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қисм ва бўлинмалардаги ҳарбий интизом мустаҳкамланиб, армиямиз нуфузи ошди. Президентимиз Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясидаги маърузасида Куролли Кучларимизда ўтказилган ислохотларни чуқур таҳлил қилиб, келажакдаги ишлар дастурини аниқ-равшан белгилаб берган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари демократик туб ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари хусусида гапирар экан, биринчи бош мақсад – мустақилликни ҳимоя қилиш, иккинчи мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини, худудий яхлитлигини, унинг chegarалари дахлсизлигини, аҳоли тинчлиги ва оқибатини мустаҳкамлаш эканлигини таъкидлаш экан.

ражаси белгиланади. Агар чақирилувчининг соғлиғида ҳеч қандай камчилик бўлмаса, унинг бўйи-баста тўғри келса, унга биринчи чекланиш даражаси белгиланади ва 10 балл берилди. Агар иккинчи чекланиш даражаси бўлса, – 8 балл, уч бўлса – 6 балл, тўрт бўлса – 1 балл берилди.

Маълумоти бўйича магистр унвоғига эга чақирилувчиларга 8 балл, бакалаврлар, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасаларини тугатиб, ҳарбий-техник мутахассисликка эга бўлган чақирилувчиларга 6 балл, профессионал коллежаларни тугатганларга 4 балл, академик лисанца битирувчилари ва 11-синфини тугатганларга 3 балл, 9-синф даражасида ўрта маълумотга эга бўлганларга 1 балл берилди.

Чақирилувчининг интеллектуал даражаси иншо ёзиш йўли билан аниқланади. Бунда унинг фикрлаши, дунёқараши, билим даражасига қараб 1 баллдан 5 баллгача берилди.

Шунингдек, чақирилувчининг ижтимоий ҳолати, унинг оилавий-мулк шайлоғини ўрганиш орқали чекланиш даражаси белгиланади. Агар чақирилувчи тўлақонли оилдан бўлиб, ота-ониси, ака-укалари, опа-сингиллари бўлса, унга 4 балл берилди. Чақирилувчи тўла оилдан бўлса, лекин отаси ёки онаси нафақада ёки меҳнатга лаёқатсиз бўлиб, ака-укалари ва опа-сингиллари бўлган тақдирда унга 3 балл берилди ва хожазо.

Барча синовлардан муваффақиятли ўтган чақирилувчи мuddатли хизматга юборилди. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мудофаа ишлари бўйича бўлимларда танлаб олинган йигитлар ҳар бир округда тузилган махсус комиссиялар вакиллари томонидан синовдан ўтказилди. Ва шундан сўнггина чақирилувчи мuddатли ҳарбий хизматга жўнаши мумкин.

Ҳўш, танловдан ўтолмаган йигитларимизчи, улар хизмат қилмай ўтиб кетаверадимиз, деган савол тугилиши табиий. Аввал шундай эди, чунки 1992 йилда қабул қилинган қонунларимиз, шўролар давридаги

қонунлар асосида яратилган эди. Лекин у бугунги замон талабларига, халқимиз манфаатларига жавоб бермай кўйди.

Шу боис, иккинчи чақириқ Олий Мажлис 9-сессиясида Президентимиз ҳарбий соҳада ислохотларни жадаллаштириш лозимлигини таъкидлаб, бу борада бир қанча тақлифлар киритди. Шулардан бири бу ҳарбий хизмат мuddатини 18 ойдан 1 йилга қисқартириш эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари резервдаги хизмат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш вазифасини ҳам қўйди.

Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ 10 сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» Қонуни қабул қилинди. У аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Бу қонунга асосан ҳарбий хизмат мuddати бир йил, олий маълумотлилар учун эса 9 ой қилиб белгиланди.

Шунингдек, мутлақо янги хизмат тури – сафарбарлик чақирувчи резервдаги хизмат ташкил этилди. Бу хизматга чақирилувчи йигитлар энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдоридан пул бадалини бир йил мобайнида тўлаш ҳақида мудофаа ишлари бўйича бўлимлар билан шартнома тўзатилади. Ва улар ҳам махсус танловдан ўтгандан сўнг бир ойлик ҳарбий йигитларга жалб этиладилар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, биринчи сафарбарнинг ўзида пул бадалининг 25 фоизи тўланиши мумкин.

Республика Куролли Кучлари сафида аёлларимизнинг хизмат қилишлари янгилик бўлмади. Улар бу ерда ҳам ўзларининг фидокорликларини, топшириқларини беқам қўст удалашлари, ташаббускорликларини билан ажралиб турадилар. Шундай вазифалар борки, ташқаридан қараганда, жўн кўринади. Кўпчилик хотин-қизлар кенгаши фаолияти ҳақида шундай ўйлашади. Аслида-чи? Бу бағоят масъулиятли вазифадир. Уни ҳамма ҳам удалай олмайдди. Тасодифан кириб қолдиган шахслар ҳақида умуман гапирмасан ҳам бўлади. Бундай жойда ўзгалар

Ўқув машғулотида ЧИНИҚИШ ОНЛАРИ


Баҳорги чақирувга асосан йигитлик бурчини ўтаётганлар аллақачон ҳарбий ҳаётга мослашиб олишди. Улар Ватан посбонлари, деган жумла замирида катта масъулият ётаганини чуқур ҳис этишмоқда. Ҳозирда аскарлар ҳаётда масъулиятли дамлар бошланди. Эзги ўқув машғулоти давом этмоқда. Ҳарбийлик илмини ўрганиш аввало мустаҳкам ирода, ўқув, сабр-қаноат ва албатта интилувчанликни тақозо этади.

– Армия чиниқиш мактаби эканлигини тушуниб етдим, – дейди оддий аскар Шерзод Абдумажидов.

– Дўстларим республикамизнинг турли вилоятларидан, кишлоқларидан келган азамат йигитлар. Ҳар биримиз илк машғулотлардан яхши ўтдик. Командирнинг тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари майор Ўқтамжон Аслонов Куролли Кучларимизда ўтказилаётган ислохотлар, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган шу хусусдаги қонунлар ҳақида лўнда тушунча бериб боради. Ҳарбий ҳаёт бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиши, лозим бўлганда масъулиятни зиммага ола билишни ўргатади.

Аскарлар бўш вақтларида кутубхонада бўладилар. Бу ерда улар ўзлари ёқтирган адабиётни мутолаа қилишлари мумкин. Табиийки, чиниқтирув машқлари гоётда асқотмоқда. Бир йиллик хизматга чақирилганлар ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишмоқда. Ахир илгор, аълочи деган номга эга бўлишнинг ўзи бўлмади. Бу борада Сирожиддин Эрматов, Ҳайрулло Давлатов сингари метин иродалилар намуна бўлишмоқда. Эътиборлиси шуки, бир йилдан сўнг армияда қолиб хизматни давом эттиришни ният қилаётганлар ҳам оз эмас.

А. ОБРЎЕВ, ПОДПОЛКОВНИК



БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Шавкат йиллар мобайнида дадаси Ҳасанбой аканинг «КаМаз»ини таъмирлашда иштирок этиб, кўзи пишиб қолгани. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотидан ўқиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини кўлга олганида ҳарбий хизматга чақирилди. Уни ёш ҳайдовчилар йигитига жалб этиб, ўқиб-ўрганиш, сўнг машинага бириктирамиз, дейишганида ажабланди. Негаки, ҳайдовчилик гувоҳномаси бор, қолаверса, таъмирлаш ҳам қўлдан келди, деган халғла борганди. Кейинчалик билдикки, бу ерда энг муҳими тартиб-интизом, бурч ва масъулиятни ҳар қадамда ҳис қилиш керак экан.

Вақт ўтиши билан оддий аскар Шавкат Жўраев «КРАЗ» машинасини моҳирлик билан бошқариш, йилнинг ҳар фаслида бирдек ишлаш, топшириқни аъло даражада бажариш машқини олди. Ҳарбий тайёргарлик жараёнида энг яхши фазилатларини намоян эди. Тоғли ҳудудда узок масофага юкни элтишда жонбозлик кўрсатди.

– Жўраевга бириктирилган «КРАЗ» саккиз тоннагача ёниги ташийди. Иродали ва ниҳоятда интизомли аскар йигитнинг фидойилиги туфайли жанговар машиналар ёниги билан таъминланмоқда, – дейди кичик сержант Рижбой Орипов.

Дам олиш соатларида дилдан сўхбатлашар эканмиз, Шавкатжон кичик сержант Саъдулла Хусанов, яқин дўстлари Рижбой Орипов, Шерали Арзиевдан гоётда миннатдор эканлигини таъкидлади. Чунки улар ёрдамда касбий малакасини ошириб бормоқда.

А. УСМОНОВ, МАЙОР

САФДАГИ АЁЛЛАР

Аёллар... Бугун қайси соҳани олиб қараманг, улар иштирокини кўриб, дилдан қувонасиз. Улар давлатни бошқаришда, қудратли техникани ўз истагига бўйсундиришда фаол иштирок этмоқдалар. Энг муҳими аёл мукаддас онадир! Файласуф Буаст: «Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқими заиф, қунағу эса гамгин бўлиб қолар эди», деганда юз қарра ҳақ эди.

уларнинг барчаси олий маълумот олишган. Опа изидан борган Қарамон Нодиров Андижон шаҳар ички ишлар бўлимида ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчи, Қосимжон эса Чилонзор туман ички ишлар бўлимида катта терговчи вазифасида ишлашади.

унинг ҳузурда марҳум учувчи подполковник Собиржон Санжаровнинг аёли шартнома бўйича хизмат оддий аскари Турдинисо Санжарова билан суҳбатлашаётган экан. Ойиниса Нодирова ҳақида у шундай деди:

– Бу аёлнинг ишлари қанчалик кўп бўлмасин, олдида келган одамга вақт ажрата олади. Сизни эътибор билан тинглайди, кўнглингизни ёрғуликка тўлдирадиган сўзлар гапириб, руҳий қувват беради. Унга энг яқин кишимиздек дардларимизни айтмамиз, сўямамиз.

Шунда Ойиниса Нодирова ва шоша-пиша унинг сўзларини «тўғрилади».

– Сизларга давлатимиз ҳамisha соябон. Ватан мард ўғлонларини ҳеч қачон унутмайди. Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшилари ва ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонининг тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари подполковник Анвар Абдуллоҳов билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар режалаштирганмиз. Халок бўлган ҳарбийларимизнинг фарзандлари полковник Анвар Абдуллоҳов билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар режалаштирганмиз. Халок бўлган ҳарбийларимизнинг фарзандлари полковник Анвар Абдуллоҳов билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар режалаштирганмиз.

ташвиши билан яшай оладиган билимдон, оқила аёлларгина ишлай оладилар. Шундайлардан бири Ойиниса Нодировадир. У полковник Сайфулло Мадаминов қўмондонлик қилаётган ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшилари ва ҳарбий ҳаво кучлари штаби хотин-қизлар кенгашининг раисаси бўлиб ишлайди.

Ойиниса асли Андижон вилоятининг Марҳамат туманидан. Отаси Абдусаттор ака чўпон, онаси Саодат ая – ўйбекиси. Оддий оиланинг оддийгина қизи ҳозирги Санкт-Петербург давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ойиниса асли Андижон вилоятининг Марҳамат туманидан. Отаси Абдусаттор ака чўпон, онаси Саодат ая – ўйбекиси. Оддий оиланинг оддийгина қизи ҳозирги Санкт-Петербург давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ойиниса асли Андижон вилоятининг Марҳамат туманидан. Отаси Абдусаттор ака чўпон, онаси Саодат ая – ўйбекиси. Оддий оиланинг оддийгина қизи ҳозирги Санкт-Петербург давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ойиниса асли Андижон вилоятининг Марҳамат туманидан. Отаси Абдусаттор ака чўпон, онаси Саодат ая – ўйбекиси. Оддий оиланинг оддийгина қизи ҳозирги Санкт-Петербург давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ойиниса асли Андижон вилоятининг Марҳамат туманидан. Отаси Абдусаттор ака чўпон, онаси Саодат ая – ўйбекиси. Оддий оиланинг оддийгина қизи ҳозирги Санкт-Петербург давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган.

Хотин-қизлар кенгаши айнан мана шу иш билан шуғулланади, деб ўйлаш бировқама фикр. Улар фаолияти кўпқиррали: ҳарбий оилалар масалалари, мактаблар, боғчалар ва бошқа жамоа ташкилотлари билан алоқадор. Шулардан бири халок бўлган ҳарбийларнинг оилалари билан ишлаш. Бу борада ҳеч ким назардан четда қолмайди. Байрамларда уларнинг барчаси йўқланади. Болалар учун ўқув қуроллари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан моддий ёрдам кўрсатилади. Муҳими уларнинг ёлғизланиб қолишларига йўл қўйилмайди. Ойиниса Нодирова билан учрашгани борганимизда,

Инобат ИБРОХИМОВА



Комил ЖАББОРОВ, Республика Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати бошлиғи, подполковник

Хўш, танловдан ўтолмаган йигитларимизчи, улар хизмат қилмай ўтиб кетаверадимиз, деган савол тугилиши табиий. Аввал шундай эди, чунки 1992 йилда қабул қилинган қонунларимиз, шўролар давридаги

БИЗНИНГ МЕРГАН

Ўзбекистон Миллий университетининг ҳарбий кафедраси курсантлари икки кунлик дала ўқув машғулотида бўлиб қайтишди. Улар жанговар машиналарни бошқариш бўйича нормативларини бажардилар. Мард майдонда синалди, деганларидек, бўлажак ёш офицерларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлиги яна бир бор жиддий синовдан ўтказилди. Йил давомида олинган назарий билимлар амалиётда мустаҳкамланди.

– Жанговар машинани бошқариш пайтида техник тайёргарлик бўйича дарслар олиб борган ўқитувчимиз подполковник Н.Хошимов берган сабоқлар гоётда қўл келди, – дейди 308-гурух курсанти Нозимжон Эгамов. – Нишонга аниқ уруш, мерганлик бўйича дўстимиз Еркин Хайдаровга тенг келадигани топилмади. Муҳими дала-ўқув машқларида янада чиникдик.

С. ЁҚУБОВ, ТАЛАБА

Сержантлар – армиямиз таянчи

Икки йилдики, Жўрабек қадрдон ҳарбий қисмида шартнома бўйича хизматини давом эттиришга қарор қилганидан хурсанд.

МИЛЛИЙ ГУРУР ҚАЛБАДА ЖЎШ УРСА

Профессионаллик сари шаклланишининг бу қисқа мuddати йигит учун кўп нарсаси берди. Аввало у ҳарбий соҳани касб сифатида эҳсанлади. Жисмонан, маънан янада барқамоллашди. Энди ўз соҳасини мукамал билмасан бўлмайди. Аскардан фарқи юриш-туриш, унвондагина бўлмаслиги керак-да. Ахир, кичик командир, деган номи бор. Дейлик, у ҳозирда жанговар машинанинг командири. Қўл остида экипаж аъзолари бор. Масалан, ҳайдовчи оддий аскар Нуриддин Мирзаев жанговар техника бошқарувида хатога йўл қўйди. Командир унинг

хатосига сабаб бўлган омилни топиши, аскарга та лейтенант Азамат Қаршиев етакчилик қилаётган батареяда хизмат қилмоқда. Йигит Навойнинг Қизилтепа туманидан. Келгусида у сержантлар тайёрлаш мактабига тахсил олиб, билим, тажрибасини бойлатмоқчи. Армиямизнинг муҳим бўлинларидан бири бўлган сержантлар ҳақида гап кетганда Жўрабек шундай деди:

– Сержант аскарнинг энг яқин сирдоши, маслақдоши бўлгандагина ўзини оқлайди. Бу ўринда кичик командир маънавияти муҳим ўрин тутади. Кичик командир фақат буйруқ бериши, қўмондонликнинг топширигини шахсий таркибига етказиши лозим, дея ўйлайдиганлар янглишади. У аскар қалбини тушуна олиши лозим.

А. САФАРОВ, КАПИТАН

ЖИДДИЙ СИНОВ

олиши. Ҳозирги кунда аскарларимиз ҳарбий илмининг сир-синоатини машғулотлар давомида пухта ўзлаштиришмоқда. Ислохотлар бирин-кетин ўз мевасини бермоқда. Мuddатли хизматни ўташа интилувчилар тобора кўпаймоқда. Танловда жамоатчиликнинг ҳам иштирок этиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Чақирилувчи тест синовидан ўтаётганлиги масъулиятни янада оширмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлари ва сержантлар таркибига мuddатли ҳарбий хизматчилар ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори барчамизнинг руҳимизни кўтариб, гайратимизга-гайрат қўшди. Армияда хизмат қилиш конституцион бурчимизни адо этишдан ташқари энг нуфузли, энг шарафли ишга айланмоғи лозимлигини барчамиз яхши тушунамиз. Ўқув машғулотларида жисмонан бақувват, иқтидорли, техника сирларини тобора пухта эгаллаётган аскарлар танлаб олинганлигини яна бир бор намойиш этди.

– Аллома! шоиримиз Гафур Гулом «Бугун сен синфда шод юрак билан синов навбатини кўтиб туриб-

сан», дея битган сатрлари қалбимиздан чуқур жой олган. Ишончим комилки, йигитларимиз синов онларини муваффақиятли ўтадилар.

Биз ўзбекистонликлар тинчлик-хотиржамликнинг қадрига яхши етдимиз. Лаънати уруш нималигини ҳам яхши биламиз. Ахир оловли йилларда қанчадан-қанча юртдошларимиз урушдан қайтмади. 640 минг нафар ватандошимиз жароҳат олди. Бу ўтмининг аччиқ сабоғи. Шунинг учун она еримизни, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асрайлик, миллий қадриятларимизни имкон қадар эъзозлайлик.

Б. ЁҚУБОВ, лейтенант





«Ишонч» газетасининг «Хуқуқий маслаҳатхонаси»да фаол иштирок этаётган тажрибали, етук мутахассислар одамлар орасида, меҳнат жамоаларида тез-тез бўлиб, уларни ўйлантираётган саволларга тўлақонли жавоб беришмоқда. Бу билан кишилар ҳуқуқий саводхонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Суратларда: эндиликда муштарийларга анча таниш бўлиб қолган ҳуқуқшунослар (юқоридан чапга) Гулнора Муродова, Аҳмаджон Эшонқул ва Гулноза Саторовалар турли соҳа кишилари билан мулоқотда.

И.ХАСАНОВ
олган суратлар



ТАДБИРКОРНИ Қўллаш - фаровонлигимиз гарови

(Боши 1-бетда)

Бизда-чи? Яққа тадбиркор ўз фаолиятини расмийлаштириш учун хали даромад олмайдиган хар хил йиғимлар учун катта миқдорда маблағ сарфлаши лозим бўлади. Буни аҳолига ўз автомобилда транспорт хизмати кўрсатишда бўлган тадбиркор мисолида кўришимиз ҳам мумкин.

Ўз фаолиятини расмийлаштиришда бўлган бу тоифадagi тадбиркор ўз фаолиятини рўйхатдан ўтказиш учун маҳаллий ҳокимликка - 10 минг 880 сўм; рўйхатдан ўтиш гувоҳномаси учун - 10 минг 880 сўм; Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига кириш учун - 8 минг 160 сўм; Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлигиндан лицензия олиш учун давлат бож; 5 нафаргача йўловчига мўлжалланган енгил автотранспорт учун - 27 минг 200 сўм; 12 нафар йўловчига мўлжалланган енгил автотранспорт учун - 80 минг сўм; лицензия картасини расмийлаштириш учун - 2 минг 720 сўм; Давлат солиқ инспекциясига қатъий белгиланган даромад солиғи ва ҳоказо тўловларни тўлаши керак.

Бунақа ортиқча харажатлар тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларида ҳам мавжуд. Лекин хали иш бошлаган, даромад топмаган тадбиркорларнинг ҳаммаси ҳам шунча маблағ

тўлашга қурб етатвермайд. Шу боис ҳам, нафақат транспорт хизмати, балки бошқа соҳаларда ҳам рўйхатдан ўтмай, аширинча фаолият юритаётган тадбиркорлар қўллаб топилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил август ойида қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»-ги қароридан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларни ҳисобга қўйиш билан бир вақтда «бирйўла» принципи бўйича амалга оширилиши айтилган. Амалда эса бу тартиб ханузгача жорий қилинган йўқ. Агар тадбиркор, ҳақиқатдан ҳам, турли идораларга эмас, битта идорадан ишни битирса, унинг учун хар томонлама қўлайлик яратилган бўларди.

Айни шундай принципти жорий қилган давлатларда тадбиркорлар битта ташкилотга - яъни солиқ идорасига мурожаат қилади ҳамда шу кундан ўз фаолиятини бошлайди. Бошқа идораларга тегишли бўлган ҳужжатлар эса солиқ идорасининг ахбороти билан кейин ҳам расмийлаштирилмаётган. Бунда юқоридан кўрсатиб ўтилган йиғимларни ундиришга ҳожат қолмайд.

Хозирги кунда тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш учун маҳаллий бюджетга тўланадиган йиғим ҳамда савдо фаолиятини

амалга ошириш, тамаки ва алкоголь ичимликлари савдоси ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар учун тўлов миқдорлари чегараси ҳуқуқат томонидан белгилаб берилади. Маҳаллий ҳокимликлар эса унинг аниқ миқдорини белгилайди.

Таассуфки, бу жараёнда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда маъсўл идоралардан ҳисобланган ҳокимликлар тадбиркорлар учун қўлай ва енгил жиҳатларини ўйлаш ўрнига, кўрсатилган чегаранинг энг юқорисини танаботганликларни ҳам тармоқдаги асосий муаммолардан бири бўлиб турибди.

Тўлов миқдорлари қанчалик паст бўлса, тадбиркорлар учун рўйхатдан ўтишда қанча кам муаммо туғилса, уларнинг сони шунча ортаган бўларди. Тараққиётимизнинг таянчи ҳисобланаётган тадбиркорлар сони қанча кўпайса, маҳаллий бюджетга тўланадиган солиқлар шунча кўп ва барқарор бўлади. Шу боис, бугунги кунда бу жараёни тартибга солиш зарурати сезилипти.

Тадбиркорлар учун амалда яратилган шароит уларнинг моддий-техника ресурсларидан фойдалана олиш имкониятини кенгайтириш, уларга зарур техника воситаларини етказиб бериш, майда улгуржи савдо ва сервис хизмати тармоқини яратишни талаб қилади. Бошқача айтганда, кичик ва ўрта бизнес субъектлари эҳтиёжларини

таъминлашнинг ривожланган, замонавий тизимини яратиш лозим ва, албатта, уларга банк хизмати кўрсатиши хар томонлама кенгайтириш ва яшилши, имтиёзли кредитлар ҳажмини кўпайтириш зарур. Бу масалалар қаторига кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг харидорларини топиш ва сотиш муаммосини ҳам киритиш лозим.

Шунингдек, тадбиркорлардан ундирилаётган бошқа ортиқча тўловларга ҳам барҳам бериш лозим. Масалан, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига тадбиркорлардан ундирилаётган тўловлар бугунги кунда «ихтиёр-мажбурий» тўловга айланб қолган.

Тарихан қиска, аммо салмоқли йўлни босиб ўтган, дунё билан бўйлашаётган мамлакатимиз фуқаролари тафаккури эндиликда ўзгача бўлиши, ўз фуқаролик бурчи ва масъулиятини англаши лозим. Асосийси, улар тўлайдиган солиқ ва тўловларнинг каерга сарф этилишини билиши мақсадга мувофиқ. Шунда зарур тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишидаги муаммолар бартараф этилган бўларди.

Ўза мухбири
Норгул АБДУРАЙИМОВА
сўхбатлашди

ЮЗ ФОИЗ МАХСУЛОТ ХОРИЖГА

Чуст туманида Швейцариянинг DAIE фирмаси ҳамкорлигида 213 иш ўринига мўлжалланган «Чуст Голден Фрут» маъсулути чекланган жамияти иш бошлади.

Бир миллион етти юз минг АҚШ долларилик замонавий ускуналар Италиянинг «ALBERTO BERTUZZI» фирмасидан келтирилди. 24 нафар ишчи операторлик вазифасига шу ернинг ўзида ўқитилди.

Корхонада ўрик, шафтоли, нок, олхўри, олма-лардан мева пюреси ва помидордан томат-пастаси ҳайта ишланиб, 200 килограмли маҳсул экдишларда хорижга экспорт қилинади.

Дастлабки маҳсулотлар Россия, Полша ва Германия давлатларига жўнатила бошланди. Маҳсулотларимизни юз фоиз хорижга экспорт қиламиз, - деди корхона бошлиғи Анвар Олимжонов. - Шу йилнинг ўзида Россиянинг «Вим-Билл-Дан» ва «Мултон», Пошнанинг «MAREX» ва Германиянинг «Konrad Yulke» фирмалари билан тўрт минг етти юз тонна маҳсулот етказиб беришга шартномалар тузганмиз.

А. Олимжоновнинг таъкидлашича, корхона ҳўжалиқлар, фермерлар ва аҳолидан яши нархларда помидор ҳамда мевалар қабул қилапти. Чуст шаҳрининг ўзида мева қабул қилувчи «FOOD SERVICE» базаси ташкил этилди. Наманган вилоятининг барча ширкат ҳўжалиқлари ва фермерларга шу йилнинг март ойида икки юз миллион сўм бўнақ тарқатилди.

Корхона бир кеча-кундузда 300 тонна помидор ва 200 тонна мевани қайта ишлаш қувватига эга. Бошқарув компютерлаштирилган.

«Туркистон-пресс»

Қарор ва ижро

Сурхондарёда бу йил галладан хар қачонгидан ҳам мўл хосил етиштирилди. Бунга биринчидан, об-ҳавонинг қўлай келганлиги сабаб бўлса, иккинчидан, агротехник-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилганлиги натижасида эришилди. Энг муҳими, галлакорлар ҳуқуқат томонидан қўллаб-қувватлаб турилди.

жилдномаси республика «Пахтабанк» кредит қўмитаси ва Осиё тараққиёт банки томонидан ижобий баҳоланди. Шунингдек, Ангор туманида фаолият кўрсатаётган «Сурхонэкс-

КРЕДИТ ундан қандай фойдаланиляпти?

Масалан, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган бўнақ пуллари «Пахтабанк»нинг туман филиаллари деҳқонларга ўз вақтида етказиб берди. Жумладан, шу йилнинг ўзида галла хосили учун 2 миллиард 234 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Натижада хосили етиштириш билан боғлиқ бўлган барча тўловлар кенгайтирилмасдан амалга оширилди. Техника, ёқилги-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа харажатлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари «Пахтабанк»нинг Сурхондарё вилояти бошқармаси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил бошқоқли дон экинлари хосилини йиғиштириб олишга доир ташқилий чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорини ҳайта татбиқ этиш бора-бора кўллаб ишларни амалга ошириш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш жуда қийин. Буни ҳисобга олган «Пахтабанк» Европа тикла-чиларига хар беш кунда ҳақ тўлашишни назорат қилиб туришди.

порт» маъсуляти чекланган жамият ҳам мазкур банк ёрдамида ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқчи. Бошқача айтганда, корхона Туркиядан 610 минг АҚШ доллари миқдорига технологияни олиб келиб, ёр маҳсулотини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи.

Бошқарманинг кредит бериш имкониятини кенгайтиришда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Наҳд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг маъсулятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қароридан келиб чиқиб, аҳоли бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш бўйича жойларда тушунтириш ишлари олиб борилади. Вақтли матбуотда реклама қилинди.

Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида Сурхондарё вилояти деҳқонлари кун-кеча зафар қўчишди. Омборларга 230 минг тонна сара дон етказиб берилди. Айни чоғда Президентимиз табриқидан руҳланган сурхондарёликлар галла ўримишни янада уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар.

Бошқарма 5676 та юридик шахсларга хизмат кўрсатаётган бўлса, шунинг 2036 таси кичик ва ўрта бизнес субъектларидир. Шу боис тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга кредит ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, ўтган олти ой ичида кичик ва ўрта бизнес субъектларига банк ўз маблағлари ҳисобидан 1 миллиард 106 миллион сўмдан зиёд қарз берди.

Бундан ташқари тадбиркорларни кредитлашда «Бизнес фонд», меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазирлиги

Хорижий сармояларни жалб этмай, тарқийб ўзгаришларни амалга ошириш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш жуда қийин. Буни ҳисобга олган «Пахтабанк» Европа тикла-чиларига хар беш кунда ҳақ тўлашишни назорат қилиб туришди.

Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида Сурхондарё вилояти деҳқонлари кун-кеча зафар қўчишди. Омборларга 230 минг тонна сара дон етказиб берилди. Айни чоғда Президентимиз табриқидан руҳланган сурхондарёликлар галла ўримишни янада уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар.

Бошқарма 5676 та юридик шахсларга хизмат кўрсатаётган бўлса, шунинг 2036 таси кичик ва ўрта бизнес субъектларидир. Шу боис тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга кредит ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, ўтган олти ой ичида кичик ва ўрта бизнес субъектларига банк ўз маблағлари ҳисобидан 1 миллиард 106 миллион сўмдан зиёд қарз берди.

Бундан ташқари тадбиркорларни кредитлашда «Бизнес фонд», меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазирлиги

Натижа ёмон бўлмади. Ярим йилликда жами омонатлар бўйича режа ошириб бажарилди. Яъни, шу йилнинг 1 июн ҳолатига банк омонатлари 673 миллион 144 минг сўмга етказилди.

Айни кунларда бу борадаги ишлар янада фаолашди. Аҳолининг кенг қатламларига мўлжалланган янги, юқори фойдали омонат турлари жорий қилинмоқда. Мисол учун «Обод юрт» янги муддатли омонатга йиллик 42 фоиздан 50 фоизгача бўлган даромад тўланади. Қишлоқ ҳўжалиғида ишлаётган меҳнатқашларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир йил муддатга 54 фоизли «Хосил» жамғармаси очилди.

Хуллас, тадбиркорга кредит бериш қўлайлигини вилоятда халқ истеъмолчи молларини ишлаб чиқариш ҳажми, аҳолига маънавий ва савдо хизмат кўрсатиш турларининг қўлайлиғига олиб келди.

Ғулום ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

15-модда. Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги

Мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофазат қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига қирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим.

Мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташқилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юқлатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади.

16-модда. Ҳарбий хизматчилар ва интизом усталари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги

Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга қақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом усталарига мувофиқ жавобгар бўладилар. Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, бошқача қоидаларини бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

Юқоридан кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли хизматдаги ҳарбий

хизматчиларга жарима солиниши мумкин эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар жумласига қирамайдиган, интизом усталари ёки интизом тўғрисидаги маҳсул қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар, ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда эса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

17-модда. Анжабий фуқаролар

йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.

19-модда. Охириги зарурат

Ушбу Кодексда ёки бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, ҳуқуқларга ҳамда қонун билан ҳимоя этиладиган манфаатларга зарар етказган, охириги зарурат ҳолатида, яъни шахсга ёки мазкур шахснинг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид этаётган ҳавфни, башарти бу ҳавфни ўша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаसा

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган анжабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу Кодекснинг Ўзбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга эид бўлмаган қисми қўлланилади.

18-модда. Зарурий мудофаа

Ушбу Кодексда ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгилувчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин зарурий мудофаа ҳолатида, яъни шахснинг ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини гайриҳуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига

Юртимиз галлакорлари, деҳқонлари диққатига!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

Жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб 31 июлига қадар бўлган давр мобайнида 1 йил муддатга очилиб, йиллик 54 фоиз даромад тўланадиган «Хосил» жамғарма омонатини таклиф этади

Ушбу омонатга маблағингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимига қўйишигиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришигиз мумкин. Хирмонингиз баракали бўлсин азиз юртдошлар! «Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!

